

Президент тадбиркорларга: Ҳар бирингиз қаҳрамонсиз



Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти бўлиб ўтмоқда.

Бундай учрашув илк бор 2021 йил 20 августда ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан бу анъанага айланди ҳамда мазкур сана мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” этиб белгиланди.

Тадбир аввалида Президент Шавкат Мирзиёев ишбилармонларни ушбу байрам билан табриклаб, ўзининг чуқур ҳурмати ва эзгу тилаklarини билдирди.

– Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлар катта куч-қудрат бўлиб келган. Ўзбекистонимизда ҳам иқтисодий ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни обод этишга ҳаракат қиляпмиз. Бунга энг катта ҳисса қўшаётган ким? Тадбиркорлар! Сизлар ҳар бирингиз қаҳрамонсиз, фидойисиз. Биз сизлар билан фахрланамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Бизнесга шароитлар натижасида бу соҳа изчил ривожланаётгани қайд этилди. Ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага, йирик корхоналар сони эса 400 тага кўпайган. Берилган энгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошган. Киритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 августдаги фармониға мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда намуна кўрсатаётган 44 нафар юртдошимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди. Байрам тадбирида уларға ана шу унвон, орден ва медаллар топширилди.

Шунингдек, жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 августдаги фармойишиға

мувофиқ, 126 нафар илғор бизнесменга “Фаол тадбиркор” қўқрак нишони топширилмоқда.



Манба